

БОЛАЛАРДАГИ СУРУНКАЛИ РИНОСИНУСИТЛарНИ УЗОҚ МУДДАТЛИ ДАВО НАТИЖАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАХОЛАШ

Идиеев З.З.¹, Абдукаюмов А.А.¹, Пардаев Ф.М.¹

¹ Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази

Аннотация. Тадқиқотнинг мақсади бўлиб сурункали риносинусит билан оғриган болаларда касалликни комплекс ташхислаш ва даво самарадорлигини оширишдан иборат. Сурункали риносинусит билан оғриган 7 ёшдан 18 ёшгacha бўлган 117 та бемор болалар ташкил қилиб, улар динамик кузатув ва назорат остига олинди. Шундан қилиб, хулоса қилиш мумкинки, сурункали риносинуситлар билан оғриган беморларни даволашда биз томондан таклиф қилинган селектив жарроҳлик усули анъанавий даво усулларига нисбатан бурун ва бурун ёндош бўшлиқларини самарали санация бўлишини таъминлайди, бу эса согликни сақлаш амалиётида кенг қўллаш имконини беради.

Калит сўзлар: сурункали риносинусит, ташхислаш, консерватив, жарроҳлик даволаш.

Иқтибослик учун:

Идиеев З.З., Абдукаюмов А.А., Пардаев Ф.М. Болалардаги сурункали риносинуситларни узоқ муддатли даво натижаларининг самарадорлигини баҳолаш. *Евразийский журнал оториноларингологии - хирургии головы и шеи.* 2024;3(1):62–67. <https://doi.org/10.57231/j.ejohns.2024.3.1.009>

EVALUATION OF THE EFFECTIVENESS OF LONG-TERM TREATMENT RESULTS OF CHRONIC RHINOSINUSITIS IN CHILDREN

Idiev Z.Z.¹, Abdukayumov A.A.¹, Pardaev F.M.¹

¹ Republican specialized scientific-practical medical center of pediatry

Abstract. The aim of the study is to improve the effectiveness of treatment and comprehensive diagnosis of the disease in children with chronic rhinosinusitis. 117 patients aged 7 to 18 years with chronic rhinosinusitis were children who were under dynamic observation and control. Thus, it can be concluded that the selective surgical method proposed by us in the treatment of patients with chronic rhinosinusitis provides effective rehabilitation of the nasal and paranasal cavities compared to traditional methods of treatment, which allows for wide application in health care practice.

Keywords: chronic rhinosinusitis, diagnosis, conservative, surgical treatment.

For citation:

Idiev Z.Z., Abdukayumov A.A., Pardaev F.M. Evaluation of the effectiveness of long-term treatment results of chronic rhinosinusitis in children. *Eurasian Journal of Otorhinolaryngology - Head and Neck Surgery.* 2024;3(1):62–67. <https://doi.org/10.57231/j.ejohns.2024.3.1.009>

МУАММОНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Сурункали риносинуситлар муаммосини ўрганишнинг долзарблиги беморларда болалик давридаги касалликлар, айниқса фон ва интеркуррент касалликларга чалиниши, уларнинг умумий ҳолатини сезиларли даражада ёмонлаштириши билан боғлиқ [1, 5, 7, 8]. Бундан ташқари, синуситнинг узоқ ва чўзилувчан давом этадиган шакллари, жараённинг сурункали шаклга ўтишига, юқори ва пастки нафас йўлларида жиддий асоратларнинг ривожланишига, шунингдек орбитал ва каллаичи асоратларига ҳам олиб келиши мумкин [2, 3, 9, 10].

Бинобарин, болаларда СРС касаллигининг ри-

вожланиш меъзонларини ўз вақтида аниқлаш, замонавий ташхис усулларидан унумли фойдаланиш, шунингдек, юқорида санаб ўтилган жиддий асоратларини олдиндан аниқлаш ва даволаш, касалликнинг оқибатлари ва профилактика чораларини ўз вақтида қўллаш имконини берадиган самарали усулларни излаб топиш муаммоси ҳали-ҳануз долзарблигича қолмоқда [4, 6, 11, 12].

ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ:

Юқоридагилардан қелиб чиқсан ҳолда, сурункали риносинусит билан оғриган болаларда касалликни комплекс ташхислаш ва даво самарадорлигини оширишни олдимизга мақсад қилиб



1-расм. СРСларни турига қараб гурухларда бажарилган жарроҳлик амалиётларининг қиёсий таҳлили

белгиладик.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛИ ВА УСУЛИ:

Сурункали риносинусит билан оғриған 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган 117 та бемор болалар ташкил қилиб, улар динамик кузатув ва назорат остига олинди. Илмий иш Республика ихтиослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг тугма ва орттирилган ЛОР аъзолари касалликлари бўлимида 2018-2022 йилгача бўлган даврда амалга оширилди. Барча назорат

остидағи бемор болаларга ўтказилган даво-чоралари ва қилинган муолажаларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида жами беморларни биз 2 гурухга бўлиб кузатдик ва шу вақт давомида ўрганиб бордик. Биринчи гурухни (асосий гурӯҳ) 60 та (51,3%) болалар ташкил қиласа, иккинчи гурухни 57 (48,7%) бемор (қиёсий гурӯҳ) ташкил қилди. Шунингдек, худди шу ёшдаги 30 нафар амалий соғлом болалар назорат гурухи сифатида кузатув остига олинди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ:

Олдимизга қўйилган вазифаларни амалга ошириш мобайнида қўйидаги натижаларни аниқладик. Умумий кузатилган касаллар сонидан 17 та (14,5%) беморларда касалликнинг давомийлиги 3 йилгача, 59 (50,4%) беморларда 3 дан 5 йилгача ва 41 та беморларда (35,1%; P<0,01) 5 йилдан кўп вақт оралиғида СРС давом этганлиги маълум бўлди. Аниқланишича, кузатилган беморларнинг аксарият қисмида 100 (85,4%) касаллик давомийлиги камидан 3 йил ва ундан ортиқ вақтни ташкил қиласи (P<0,01), бу эса беморларда ўчоқли жара-

Жадвал 1

Жарроҳлик амалиётидан кейинги беморларда маҳаллий белгиларнинг кузатилиши

Клиник белгилар	Давогача		Анъанавий даво, p1		Таклиф қилинган даво, p2		P1:2
	абс	%	абс	%	абс	%	
Бурун бўшлиғи шиллик қаватлари гиперемияси	78	97,5	14	17,95±4,35	4	5,13±2,5	0,021
Бурун бўшлиғи шиллик қаватларида шиш бўлиши	69	86,25	17	24,64±5,19	5	7,25±3,12	0,009
Бурун бўшлиғидан шилликли ажралмалар келиши	53	66,25	11	20,75±5,57	3	5,66±3,17	0,036
Бурун бўшлиғидан йирингли ажралмалар келиши	47	58,75	3	6,38±3,57	0	0	-
Бурун чиганоқларининг гипертрофияси	76	95,0	17	22,37±4,78	3	3,95±2,23	0,003
Бурун чиганоқларининг полипоз ўзариши	17	21,25	7	41,18±11,9	1	5,88±5,71	0,037
Бўйларида кистоз ҳосилалар бўлиши	23	28,75	2	8,7±5,88	0	0	-
Бўйларида полипоз ҳосилалар бўлиши	15	18,75	3	20,0±10,33	0	0	-



2-расм. Таклиф қилинган усул (илмоқсимон ўсиқ қисман олинган) бўйича узоқ муддатли эндоскопик картина



3-расм. Анъанавий жарроҳлик усули (илмоқсимон ўсиқ тўлиқ олинган) бўйича узоқ муддатли эндоскопик картина

ённи анча вақтдан бери давом қилиб келаётганидан дарак беради.

Сурункали касаллик ремиссия даврида бир қатор сабаблар ёрдамида яна қайта авж олиши ёки қайталаниш жараёни биз кузатувга олган беморларда ҳам бир неча йиллар давомида қайталаниб, касалликни чўзилувчан кечишига сабаб бўлиб келган. Жумладан, аксарият bemорларда 50 ($42,7 \pm 3,4$) касаллик йилига ўртacha 2-4 марта қайталаниб турса, 38 ($32,5 \pm 3,2$) нафар ҳолатларда эса хуружлар сони 4 ва ундан ортиқ ҳолатларни ташкил қилиши касалликни оғир ва чўзилувчан тарзда кечишини тасдиқлаб беради.

Шу тариқа кузатувга олинган bemорлар орасида СРСларнинг енгил шакли билан 26 та ($22,4\% \pm 4,1$) bemор ташкил қилган бўлса, касалликнинг ўрта оғир шакли билан 51 та ($43,6\% \pm 9,1$) ишончли равишда кўп даражада қайд қилинди ($P < 0,01$), шунингдек оғир шаклдаги bemорларнинг умумий сони 40 та ($34,2\% \pm 2,7$) кўрсаткичга teng бўлди. Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатиб турибдики, кузатув остидаги аксарият bemорларда касаллик сурункали чўзилувчан равишда кечиб, асосан ўрта оғир ва оғир шаклларида кечиши маълум бўлди ($P < 0,05$).

Bemорлар топик ташхислаш учун Бўблари замонавий синускан асбоби ёрдамида ультрато-вуш эхокоскопияси, параназал синусларнинг

3D-рентгенографияси, шунингдек мультиспирал компьютер томографияси каби нур текширув усусларидан фойдаландик.

Жарроҳлик амалиётини бажариш учун қўлланилган усулдан келиб чиқсан ҳолда даволанишдан олинган натижаларни динамикада баҳолаш ва қиёсий солишириш мақсадида барча bemор болаларни тасодифий равишда 2 та гуруҳга бўлиб ажратдик.

Биринчи гуруҳ bemорларни 40 та бола ташкил қилиб бу гуруҳ болаларга анъанавий усулда ФЭСЖ вақтида илмоқсимон ўсиқни тўлиқ олиб ташланди ва патологик массалардан бурун бўшлиғи тозаланди. Шундан: 21 та ($26,3 \pm 2,2$) болада Бўбларида йирингли жараёнлар, 11 нафар болада ($13,8 \pm 1,2$) – кистоз синуситлар ва 8 ($10,0 \pm 0,9$) – полипоз ҳосилали синуситлар аниқланди (1-расм).

Иккинчи гуруҳ bemор болаларга илмоқсимон ўсиқни юқори қисмини сақлаб қолиб, ўрта ва пастки қисмларини резекция қилиб олинди, уларнинг сонини ҳам аналогик равишда 40 та бола ташкил қилди. Шунингдек, улардан: 21 та ($26,3 \pm 2,2$) болада Бўбларида йирингли жараёнлар, 12 тасида ($15,0 \pm 1,3$) – кистоз синуситлар ва 7 ($8,8 \pm 0,8$) – полипоз ҳосилали синуситлар аниқланди.

Жарроҳлик амалиётидан кейинги дастлабки кунларда барча кузатувга олинган bemорларнинг умумий аҳволида сезиларли равишда ижобий то-

монга силжишлар кузатилди. Жумладан, умумий ҳолсизлик, тана ҳароратининг қўтарилиши, юз соҳасида маҳаллий оғриқ каби бир қатор клиник белгилар жарроҳликнинг иккинчи кунидаёқ яхшиланди. Даволашдан олдин бурун ва БЁБларини умумий ҳолатини ўрганиш вақтида пастки чиганоқлар ҳажмининг катталашиши ва бурун шиллик қаватининг гиперемияси билан бирга келиши 67 (83,7%) ҳолатда кузатилган бўлса, бу белгилар жарроҳлик амалиётидан кейинги 3-4 кунларда қисман кузатилган бўлса, 5-6 кунларда батамом бартараф қилинди. Шунингдек маълум бир тоифадаги бемор болаларда жарроҳлиқдан олдинги шиллик қаватларда кузатилган номутаносиблик, яъни пастки ва ўрта бурун чиганоқларнинг очкўйимтир рангга кириши билан бир вақтда юқори бурун чиганоқларда эса гиперемия ва маҳаллий яллиғланиш белгиларининг кузатилиши 43 (53,7%) жарроҳликнинг 5-6 кунларида тўлиқ бартараф қилинди. Назоратга олинган беморларда ўтказилган жарроҳлик амалиётидан кейинги маҳаллий яллиғланиш белгиларнинг кузатилиши жадвалда акс эттирилган.

Шунингдек, Lund-Mackay шкаласи бўйича 3-D ва МСКТ натижаларини таҳлил қилинганимизда иккала гуруҳ беморларида ҳам сояланиш пасайган бўлсада, асосий гуруҳ беморларида юқори дараждада сезиларли равишда камайганлиги кузатилди ($P<0,05$). Бунга сабаб бўлиб остиомеатал комплекс соҳасидаги патологик блокнинг ўз вақтида бартараф қилинганилиги, нормал аэродинамикани қисман бўлсада сақлаб қолинганилиги ва фалвирсимон бўшлиқнинг олдинги ҳамда орқа ката克拉рининг пневматизацияси қайта тикланганилигидан бўлиши мумкин деб ўйлаймиз.

Стационар даволанишдан сўнг 1 йил муддат ўтгандан кейин ўтказилган текширувларда 7 та беморда касалликнинг қайталаниши аниқланди, улар орасида полипоз синусит билан оғриган 2 нафар, 1 та беморда кистоз синусит ва 4 та беморда сурункали йирингли синуситнинг қайталаниши кузатилган.

Барча жарроҳлик амалиётлари умумий эндотрахеал оғриқсизлантириш остида KARL STORZ (Германия) эндосякопик тўпламидан фойдаланган ҳолда, 0° , 45° ва 70° даражали кўриш бурчакларига эга бўлган оптик қурилма ёрдамида амалга оширилди (2 ва 3 - расмлар).

Кузатилган беморларда бажарилган жарроҳлик амалиётининг ножӯя таъсири ёки асоратли кечиши умум қабул қилинган катта ва кичик асоратлар тоифасига ажретилиб, таҳлил қиладиган бўлсак, жарроҳлик вақтида ёки амалиётдан кейинги орбитал ёки қаллаичи жароҳатланиши каби катта асоратлар кузатилмади. Кичик асоратлардан амалиёт вақтида қон кетишлар кузатилди.

Жарроҳлик амалиётидан кейинги кузатилган кичик асоратлар учта беморни ташкил қилиб, улар умумий касаллар сонининг 3,7% фоизини ташкил этди. Улардан иккита беморда юқори жағ бўшлиғида гемосинус юзага келган бўлса, битта беморда операциядан кейинги 7-8 кунида кечки қон кетиш кузатилган.

Шунингдек касалликнинг қайталаниши ёки авж олиши каби важлар асосида қайта жарроҳлик амалиётининг фоизи 3,75% ни ташкил қилиб, у ҳам бўлса анъанавий жарроҳлиқдан кейинги беморларда кузатувнинг 2-йилида, асосан жарроҳлиқдан кейинги ҳосил бўлган чандиқли тортқилар ва синехияларни бартараф қилиш ва 1 беморда қайталанган кичик полиоз тўқима қайта олиб ташланган. Шундай қилиб, тавсия қилинган усуlda эндосякопик синус жарроҳлик амалиёти ўтказилган гуруҳ болаларда даво самарадорлиги 93,4% ни ташкил этган бўлса, қиёсий гуруҳдаги анъанавий даво усулида даволанган бемор болаларда эса 78,9% ни ташкил этди ($P<0,05$). Таклиф қилинган усул бўйича асосий гуруҳ беморларида 93,4% ижобий натижа кузатилиб, беморларда йил давомида касалликнинг қайталанишлар сони $1,2\pm0,06\%$ ни ташкил қиласа, ушбу кўрсаткич анъанавий усул бўйича $4,2\pm0,14\%$ болада кузатилди. Касалликнинг ремиссия даврининг давомийлиги анъанавий гуруҳда $3,6\pm0,4$ ой давом этган бўлса, тавсия қилинган даво муолажаларидан кейинги беморларда $8,4\pm0,3$ ойни ташкил қилди ($P<0,05$).

Шундай қилиб, СРС билан оғриган беморларни тўлиқ текшириш ва даволанишлар натижасида таклиф қилинган консерватив ва жарроҳлик амалиёти даво усуllibарининг ҳар томонлама самарали эканлиги статистик исботланди. Шунингдек, бу тоифадаги беморларни тегишли текширишлардан ўтиши СРС касаллигини тўғри ва ўз вақтида аниқлашдан имконини бериб, зарурий даво муолажаларини тўғри танлашга, шунингдек иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиши ва беморларда

ҳаёт сифат тарзининг яхшиланиши юқори аҳамият касб этади.

ХУЛОСА:

Шундай қилиб, хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, сурункали риносинуситлар билан оғриған беморларни даволашда биз томондан таклиф қилинган селектив жарроҳлик усули анъанавий даво усуллари га нисбатан бурун ва бурун ёндош бўшлиқларини самарали санация бўлишини таъминлайди, бу эса соғлиқни сақлаш амалиётида кенг қўллаш имконини беради.

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ

Муаллифлар ушбу тадқиқот иши, унинг мавзуси, предмети ва мазмуни рақобатдош манфаатларга таъсир қилмаслигини маълум қилади.

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ

Муаллифлар тадқиқот олиб бориш давомида молиялаштириш мавжуд бўлмаганлигини маълум қиладилар.

МАЪЛУМОТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ОЧИҚЛИГИ

Ушбу тадқиқот давомида олинган ёки таҳлил қилинган барча маълумотлар ушбу нашр этилган мақолага киритилган.

МУАЛЛИФЛАРНИНГ ТАДҚИҚОТДАГИ ҲИССАЛАРИ

Барча муаллифлар тадқиқотни тайёрлаш ва унинг натижаларини шарҳлаш, шунингдек, нашрга тайёрлаша ҳисса қўшган. Барча муаллифлар қўллэzmанинг якуний версиясини ўқиб чиқишган ва тасдиқлашган.

ЭТИК ЖИХАТДАН МАЪҚУЛЛАШ ВА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН РОЗИЛИК

Ҳайвонларни парвариш қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича барча халқаро, миллий ва/ёки институционал кўрсатмаларга риоя қилинган.

НАШР ҚИЛИШГА РОЗИЛИК

Қўлланилмайди.

НАШРИЁТНИНГ ЭСЛАТМАСИ

"Евразийский журнал оториноларингологии - хирургии головы и шеи" журнали чоп этилган хариталар ва институционал мансублик кўрсат-

кичлари бўйича юрисдикция даъволари га нисбатан нейтрал бўлиб қолади.

Мақола келиб тушган сана: 24.03.2024 й.

Нашрға қабул қилинган сана: 28.03.2024 й.

CONFLICT OF INTERESTS

The authors declare the absence of obvious and potential conflicts of interest related to the publication of this article.

SOURCES OF FUNDING

The authors state that there is no external funding for the study.

AVAILABILITY OF DATA AND MATERIALS

All data generated or analysed during this study are included in this published article.

AUTHORS' CONTRIBUTIONS

All authors contributed to the design and interpretation of the study and to further drafts. All authors read and approved the final manuscript.

ETHICS APPROVAL AND CONSENT TO PARTICIPATE

All applicable international, national, and/or institutional guidelines for the care and use of animals were followed.

CONSENT FOR PUBLICATION

Not applicable.

PUBLISHER'S NOTE

Journal of "Eurasian Journal of Otorhinolaryngology - Head and Neck Surgery" remains neutral with regard to jurisdictional claims in published maps and institutional affiliations.

Article received on 24.03.2024

Accepted for publication on 28.03.2024

АДАБИЁТЛАР / REFERENCES

1. Вохидов У.Н. Клинико – иммунологические особенности хронических полипозных риносинусита и их лечение. Автореф. дис. ... док. мед. наук. –Ташкент, 2017. - 13-17 с.
2. Гавриленко Ю.В. Диагностическая эндоскопия ЛОР-органов. // Киев, "ДоброБУТ", 2014. С. 16.
3. Гаджимирзаев Г.А., Абдулаева С.Н., Гаджимирзаева Р.Г. О ложных кистах околоносовых пазух (обзор литературы) // Российская оториноларингология, 2012, №4 (59), С.32-41.
4. Горин Д.С. Современные представления о хирургическом лечении хронического синусита. // Российская оториноларингология, 2014, №1(68), С.44.
5. Данченко Е.О., Крюков А.И., Артемьев М.Е. и др. Лечение пациентов с риносинуситами: возможности консервативного и оперативного воздействия // Медицинский совет. 2015. № 11.
6. Иванов К.М., Лопатин А.С. Антибиотикотерапия острых воспалительных заболеваний околоносовых пазух // Consilium medicum. 2018. Т. 05. № 4. С. 1–8.
7. Ражабов А.Х. Особенности риносинуситов у детей // Педиатрия. Научно-практический журнал. Ташкент. - 2019, № 3. – С. 71 -77.
8. Ражабов А.Х. Диагностика и лечение носовых кровотечений у детей с хроническим гепатитом В. Журнал Оториноларингология, №4 (3), Киев. 2020 - С. 79-84.
9. Alimova, D. D., & Amonov, S. E. (2020). The morphological characteristic of the mucous membrane at polypous rhinosinusitis. International Journal of Pharmaceutical Research (09752366), 12(3).
10. Braun T, Betz CS, Stelter K, Leunig A. FESS and surgical training: what are the problems? Laryngo-Rhino-Otol. 2011; 90: 10-14.
11. Fokkens W.J., Lund V.J., Mullol J. et al. European position paper on rhinosinusitis and nasal polyps 2012. Rhinol Suppl. 2017; 23(3): 1-298.
12. Nguyen QA, Cua DJ, Ng M, Rice DH. Safety of endoscopic sinus surgery in a residency-training program. Ear Nose Throat J. 2017; 78: 898-902, 904.